

ОДАМЛАРНИНГ БУНЁДКОРОНА МЕХНАТИНИ ҚАДРЛАБ, УЛАРГА МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИШ – ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗДИР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентимиз янги хонадонларда бўлди. Яратилган шароитлар билан таниши, уй соҳиблари билан сұхбатлашди. Уларни янги хонадон билан табриклиб, совгалир тақдим килди.

Мунаввар Камолхўжаева учтепа туманиндағи 75-ўрта мактабнинг бошлангич синфларига дарс беради. Тақдир тақозоси билан турмуш ўрготи оламдан ўтган бу фидойи ўқитувчи уйжоига этиёжи боси жорий йил бошида ариза билан туман хокимилигига мурожаат қилган. Мазкур мавзеда куриб битказилган арzon уйжоилардаги хонадонлардан бири берилди. Бошлангич тўловини амалга оширган Мунаввар опа бугун уй тўйини нишонла-моқда.

Янги уй соҳиблари давлатимиз раҳбари билан сұхбатда яратилган шароитлардан мамнун эканини изҳор қилди. Бу каби уйжоилар оиласирага имтиёзли ипотека кредитлари ва солик имтиёзлари асосида берилиши аҳолининг кайфиятини кўтариб, турмуш даражасини оширишда муҳим омил бўлаётганини кайди этди.

Бу ерга кўчib келаётганларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам долзарбди. Келажакда куриладиган корхона ва ишлаб чиқариш объектлари бу уйларга якин жойда бўлиши мухим, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз келажакда куриладиган бу каби уйларни янада тақомиллаштириш бўйича тавсия ва топшириклар берди.

Сергели тумани ички ишлар бошқармаси қошибди 50-шахар ички ишлар бўйими ҳам шу массивда бунёд этилган. Ички ишлар бўйимининг асосий вазифаси тумандаги «Бунёдкор», «Мехригиг», «Ўзғариш», «Чоштепа», «Жўнариқ», «Нўғайкўрон» ва Хабибий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида тинчлик ва осоишиштарикини таъминлаш, худудда жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни барвакт аниқлаш, аҳоли ўртасида профилактика тадбирларини ўтказишдан иборат.

Бўйимда навбатчилик қисми, техник кўриқлашмаркази, тезкор вакил, суриштирувчи, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш инспектори, вояга етмаганлар ва ёшлар бўйича инспектор ҳамда маҳалла профилактика инспектори самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит яратилган.

Ички ишлар бўйими замонавий ахборот-коммуникация технологиялари би-

лан жиҳозланган. Мавзедаги кўп қаватли уйларнинг 100 дан ортиқ кириш ўйлаги ва 22 гавжум жойга видеокузатув ускуналари ўрнатилган. Бу ҳудудни туну кун назорат қилиш, жиноятчилик ва хукукузарларликларга қарши кураши, уларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Президентимиз 50-шахар ички ишлар бўйими ходимлари билан 15 ноябрь куни хукукузарларликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураши масалаларига бағишиш ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ижроси кўйи поғонада қандай аксиси то-паётгани юзасидан мулокот килди.

Бугунги кунда энг катта масаласи – бу ички ишлар тизимишининг кўйи бўғинини мустаҳкамлашдан иборат, деди Шавкат Мирзиёев. Биз профилактика инспекторларининг яшаши ва ишлари учун барча шароитларни яратиб бердик. Энди уларнинг салоҳиятини, маҳалла фуқаролар йигини билан ҳамкорларига кучайтириш зарур. Бундан кейин маҳаллалардаги профилактика инспектори лавозимига танловлар асосида уч нафар энг профессионал ходимдан биттаси саралаб олинади. Шундай қылсан, улар ўртасида ракобат кучайди, одамларнинг тинчлиги ва осоишиштаригини таъминлайдиган чинакам самарали тизим яратилиди.

Давлатимиз раҳбари замонавий технологиялар билан таъминланган автотранспорт воситасида шубҳали шахсларнинг суратини олиш ва кимлигини аниқлаш бўйича ўрнатилган ускунанинг ишлари жараёни кўздан кечирди. Пойтахтимизда замонавий жиҳозланган мана шундай шахар ички ишлар бўйимини ташкил қилиш бўйича топшириклар берди.

Мазкур массивда хусусий уйжоиларга хизмат кўрсатувчи професионал бошқарув компанияси иш бошлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевга мазкур хизмат кўрсатиш маркази фаолияти ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари янги барпо этилган замонавий сувиш хавасини бориб кўрди.

Сувиш хавасининг узунлиги 25 метр, эни 11 метр. Кунига 150-200 кишини қабул қилади. З миллиард сўмдан ортиқ маблағ эва-зига барпо этилган иншотда ёшларнинг сувиш техникинин ўрганиши ва маҳоратини ошириши учун барча шароит яратилган. Тиббиёт ходимлари ва му-

раббийлар учун хоналар мавжуд. Сувни тозалаш, иситиши тизимлари, хона жароратининг мўтъадиллигини сақлаш ускуналари билан жиҳозланган.

Юртимиз икlim шароитига, ёз ва киши фаслига мослаб Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманинда 10 тадан замонавий сувиш ҳавзаси куриши керак, уларни барпо этишда сифатли курилиш материаларидан фойдаланиши лозим, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз болаларни спортнинг ушбу тури билан шугулланышга янада кенг жалб қилиш, сувиш техникинин ўргатадиган ююри малакали мутахасислар тайёрлаш бўйича топшириклар берди.

Давлатимиз раҳбари 61-оилавий поликлиника фаолияти билан танишиди. Уч қаватли, 250 қатновга мўлжалланган тиббиёт масканида ультратовуш ташхиси, ракамли рентген, электрокардиография, физиотерапия, клиник ва биохимё лаборатория бўлимлари, кундузги шифохона фаолияти ўйлга кўйилган. Терапевт, педиатр, жарроҳ, отоларинголог, окулист, невролог, иммунолог каби тор соҳа мутахасислари томонидан аҳолига малакали тиббиёт хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилган.

Оилавий поликлиникадаги асосий янгиликлардан бири – бу беморларни навбатга ёзиш бўйича электрон тизим жорий килинганини. Бемор шифокор қабулига поликлиникага келмасдан туриб, интернет ёки телефон орқали рўйхатхонада ўрнатилган тизим ёрдамида навбатга кириллади. Бу ортиқча оворагарчилик ва вақт сарфлашнинг оддини олади.

Президентимиз ушбу тизими 61-оилавий поликлиника мисолида намуnavий қилиб пойтахтимиздаги барча бирламчи тиббиёт муассасаларига жорий этиш юзасидан топшириклар берди. Тиббиёт соҳаидаги ишоҳотлар, аввало, оилавий поликлиникаларга чуқур кириш бориши, ушбу масканлар аҳолининг саломатлик кўрсаткичларини яхшилаш бўйича фаолият юритилиши, қайси касалликлар камайгани, қайслиради эрта аниқланиб даволана-ётгани бўйича мунтазам ахборот берилиши лозимлиги кайди этилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари 18-мактабгача таълим муссасасида яратилган шароитлар билан танишиди.

Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимишининг замонавий механизмлари-

ни жорий этиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тарбия ва ўқув жаҳоратининг мўтъадиллаштириши, ходимлар малакасини ошириш, уларни моддий рағбатлантириш, ёш авлодни жисмонан согласом, мавзан етук инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида ёзбор каратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 9 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимишини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

300 ўринга мўлжалланган икки қаватли муассасасада 3,7 миллиард сўмлик курилиш-монтаж ишлари бажарилди. Мусиқа, чет тиллари тўғараклари, спорт машгулларни ўтказиладиган хоналар зарур кўлланмалар, кўргазмали куроллар, замонавий спорт буюмлари билан жиҳозланган. Хоналарни ёритишида энергия тежамкор ускуналардан фойдаланимоқда.

Президентимиз мактабгача таълим муссасалари фаолиятини тубдан яхшилаш, асосий ёзбирорни болаларни таълим-тарбиясига, тарбиячиларнинг малакасини оширишга қартиши кўраклигини таъкидлайди.

Замонавий талаблар асосида бунёд этилган 630 ўрингли 55-ўрта мактабда ўқувчилар ва ўқитувчилар учун барча шароит яратилган. Ёруг хоналар, ўкув-лаборатория ускуналари, спорт зали, стадион, ошхона-буфет ва бошқа кулийклар болаларнинг сифатли таълим олишида муҳим ўрин тутади.

Соҳада амалга оширилётган кенг кўлмали ислочотлар жараёнида ўқитувчилар, ота-оналар, ўкувчи ёшларнинг фикр ва мулоҳазалари, таклифларни пухта ўрганиши, уларга таянган ҳолда иш кўришга тизимили ёндашилмоқда.

Хусусан, аҳоли кенг қатновига энди таълимни давом этишини юзасидан топширилган. Ҳолидан олдинга ҳолда, янги ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларида 10-синфлар ташкил этилди, ўкувчиларнинг интилишига қараб улар мактаб, коллеж, лицейларда таълимни давом этишини учун кенг шароитлар яратилиди.

Мъалумки, пойтахтимизнинг айрим худудларида мактаб ўкувчиларнинг ўйларидан узоқда жойлашган. Бу мактабга ўз вақтида бориб келиш, сифатли таълим олиши салбий таъсиси курслари. Мазкур массивда барпо этилган мактабда бу ҳолат билан боғлик барча жиҳатлар эътиборга олинган. Ота-оналарнинг

таъкидлашича, уйлар деразаси мактаб тарафга қартилган бўлиб, бу болаларнинг мактабга қатнаши, таифаси пайтида ҳам уларга кўз-кул олак бўлиб туриш учун қулайдир.

Президентимиз мактаб билан таниши экан, таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ишларни янада кучайтиришда бу каби лойиҳалар муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлайди.

Шу ерда давлатимиз раҳбари Сергели тумани фароллари, нуронийлар, ёшлар, жамоатчилик вакиллари, янги уй соҳиблари билан утрашиди. Утрашуда юртимиздаги тинчлик осоишиштакли, аҳолига яратилаётган шароитлар, янги иш ўринлари яратиш тўғрисида сўз юритилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи доирасида Сергели туманида амалга оширилиши режалаштирилган ижтимоий-иктисодий лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтди.

Лойиҳалар жуда кўп ва ранг-бараган. Масалан, «Bek mega textile», «Dara elite», «Laura peri fashion», «Orchid beauty» масъулияти чекланган жамиятлари тўқимачилик маҳсулотлари ва тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқариш, «Original textile and print» жинси матосидан кийим, аксессуар ва фурнитуралар тайёрлаш, «Ella» корхонаси аёллар учун пальто ва чарм маҳсулотлар ишлаб чиқаришни режалаштирилган.

«Orient confection» ва «Sladus produce» масъулияти чекланган жамиятлари қандолат маҳсулотлари, «Korton Osiyo» МЧЖ мева-сабзавотларни қадоқлаш унун гофра кути ва лента ишлаб чиқаришини кенгайтирилган. «Aminovs company» корхонасининг лойиҳаси машайх техника жиҳозлари, «Central asia»ни эса курилиш михлари, темир симлар ва электродлар ишлаб чиқаришига йўналтирилган.

Хизмат кўрсатиши соҳасидаги лойиҳалар ҳам талайгина. Хусусан, «Nazm-nur progress» масъулияти чекланган жамияти замонавий кардиожарроҳлик клиникаси ташкил этиши, «Global medical center» ширкати кўп тармоқли тиббиёт маркази фаолиятини кенгайтириш, «Kilroying leaders» МЧЖ кўнгилочар бўғ ва бизнес маркази куриши максад қилган.

Мазкур лойиҳалар натижасида экспортбол маҳсулотлар ишлаб чиқарилилар, замонавий хизматлар йўлга кўйилади, юзлаб иш ўринлари яратилади.

2017-yil 18-noyabr, № 92 (9053)

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРЕЙС МИЛЛАТИГА МАНСУБ ЎРТДОШЛАРИМИЗ ИСТИҚОМАТ КИЛАЁТТАНИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА БАГИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Корейс миллатига мансуб юртдошларимизнинг шонлини ва фидкорона меҳнати, Ўзбекистоннинг ҳар томонлами тараққий топиши ва фаровон бўлишига қаратилган бунёдкорлик фаолияти мамлакатимиз эришган иотуқлар солномасидан ёрин саҳифа бўлиб қолади.

Мамлакатимизда катта обрўзтибор қозонган 283 нафар корейс миллатига мансуб юртдошимиз давлатимизнинг юқсан мукофотлари билан тақдирланган.

Улар орасида депутатлар, хукумат аъзолари, хизмат кўрсатган фан, маданият ва санъат арбоблари, ўюқори малакали мутахассислар бор. Булар қаторида таникли қишлоқ ҳўjalиги ходимлари Ким Пен Хва ва Хван Ман Гим, Ўзбекистон Қаҳрамони, Хивадаги Мехрибонлик уйи директори Вера Пак, мактабгача таълим вазири, сенатор Агриппина Шин, сенатор Валерий Тян, Ўзбекистон Республикасинынг Корея Республикасидаги элчиси Виталий Фен, Олий Мажлиси Конунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Корейс маданият марказлари уошмаси раиси

Виктор Пак, бокс бўйича жаҳон кубоги соҳиби Владимир Шин, расом Николай Шин, академик Владимир Ким, тиббиёт фанлари доктори, профессор Александр Шек ва бошқаларни алоҳуда эътироф этиш керак.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 200 мингдан зиёд корейс миллати вакиллари истиқомат кильмокда. Уларнинг аксариyи ӯзбек тилида сўзлаша олиши, маданиятимизни яхши билишини алоҳуда қайд этиш зарур. Буни биз ӯзбек ҳалқига бўлган чукур ҳурмат ва эҳтиром сифатида қабул қиласми.

Корейс диаспораси кўп миллати Ўзбекистон ҳалқининг ажralmas бўлаги бўлиб, анъанавий тарзда республика миқёсида ўтказиладиган барча оммавий ва маданий тадбирларда фаол иштирок этади.

Жорий йилнинг июн ойида пойтахтимиздаги «Дўстлик bogi»-да корейс диаспораси томонидан саховатли ӯзбек заминидаги бағрикенглик, самимилик ва ғамхўрлик, тинч ва осоишта ҳаёт учун миннатдорлик белгиси сифатида ёдгорлик монументи барпо этилди.

Мамлакатимизда бошқа миллат ва элат вакиллари қатори корейс миллатига мансуб юртдошларимиз учун ҳам ўз миллий маданияти, тили, урф-одат ва анъаналарини асрар-аввалиши ва ривожлантириши учун барча шароит яратилган. Мисол учун, Ўзбекистон давлат жаҳон тилилари университети, Тошкент давлат шарқшуносилик институти ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида корейс филологиеси ўқитилмоқда.

Ўзбекистон Корейс маданият марказлари уошмаси томонидан бу борада улкан ишлар амалга оширилмоқда. Корейс тилида китоб ва газеталар чоп этилмоқда, кўргазмалар, концертлар, фестиваллар, ижодий жамоаларининг Ўзбекистон бўйлаб ва хорижга гастроллари, ёшлар ўтасида турли спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.

Айнан пайтда Тошкентда Корея Республикаси хукумати кўмагида Корейс маданият ва санъат уйи бундан этилмоқда. Ўйлайманки, у бизнинг тобора мустаҳкамлани бораётган дўстлигимизнинг ёрқин тимсоли, ёшлар ва зиёлиларни ўзига жалб қилувчи маскан, мада-

ниятларимизни ўзаро бойитиш марказига айланади.

Ўзбекистонда Корея Республикаси билан кўп қиррал ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, корейс диаспораси бунга катта ҳисса кўшумча.

Яқин кунларда Корея Республикаси олий даражадаги ташриф режалаштирилган бўлиб, унинг доирасида иккى мамлакат ўтасида стратегик шериклики янада мустаҳкамлаш, жумладан, янги кўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилади.

Қадрли тадбир иштирокчилари, Сиз ва сизнинг тимсолингизда барча корейс юртдошларимизга умумий ўйимиз — жонажон Ўзбекистонимиз тараққиёти ва фаронвонлиги йўлидаги фидкоронана ва самарали меҳнатнингиз учун самимин миннатдорлик билдираман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, муваффақият, оилавий баҳт ва фаронвонлик тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Миллий ифтихоримиз тимсоли

1991 йил 18 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз парламенти томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроги тўғрисида”ги қонун қабул қиласми. Унда миллий байробимиз давлатимиз суверенитети рамзи эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси байроби ва ундағи ҳар бир ранг, ҳар бир белги мамлакатимизнинг миллий-маданий анъаналари ва табиий иклим шароитларини ўзида мужассам этади.

Байроқ учта тенг горизонтал чизиқ: мовий, оқ ва яшил ранглардан иборат матонин ифодалайди. Оқ ранг тена ва паст қисмидан қизил чизиқлар билан архатилган.

Байроқдаги мовий ранг — мусаффо осмон ва обиҳаёт рамзи бўлиб, ҳаво ва сув ҳайётнинг иккى асосини манбайдир. Оқ ранг тинчлик, поклик, фикр ва ҳаракатларининг маънавий тинчилик, соғлигига ишорадир. Яшил ранг эса табиат ва ҳосилдорлик тимсоли.

Қизил чизиқлар — ҳар бир тирик вужуда жўшиб оқаётган ҳаёт қизил курдат ирмоқларини ифодалайди. Бундан ташқари, ҳалқимиз бу иккى чизиқни Ўзбекистон заминини обиҳаёт билан таъминловчи Амударё ва Сирдарёни ифодаловчи «қон томирлари» деб ҳам атайди. Байроқдаги ярим оқ мустақил бўлган таъминлиги, 12 юлдуз эса мусаффо осмон рамзиидир. Тинч осмон — бу тинчлик, ёргулик, фаронвонлик белгисидир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат байроби мамлакатимиз доврунни бутун дунёга таратиш, юртдошларимиз қалбida Ватанга му-

хаббат, мустақиллик ғояларига садоқат туйгуларини мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси бўлиб ҳизмат қиласми. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги Илмий-мәтирий мемориал мажмуда Ислом Каримовнинг ўзбекистоннинг давлат байроби эскизини ишлаб чиқиши жаҳонидаги шахсан иштирокчи ҳақида сўзловчи кўплаб тарихий ҳужжат ва материалар сақланмоқда.

Мустақил Ўзбекистоннинг байроби Бирлашган Миллатлар Ташкили штаб-квартираси пештоқида 1992 йил 2 марта бўён юзлаб бошқа байроблар чорида ҳиллираб туриди. Бу барча юртдошларимиз кўнглини фарҳ ва ифтихор туйгуларига тўлдирилган. Биз Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканимиздан фарҳланамиз.

Давлатимиз байроби Президент девони, Олий Мажлисинг ҳар иккى палатаси, ҳукумат, мажмалий бошқарув органлари, Ўзбекистон аъзо бўлган ҳалқаро ташкилотлар, мамлакатимизнинг хорижда гилематида ва савдо ва колатхоналари, консулилк мусассасалари бинолари пештоқида ҳиллираб туриди. Ўзбекистон Президентининг хорижга сафарлари давомида байробимиз ўша мамлакат кўчаларини безаб, ўзгача файз бағишлади. 1993 йил-

нинг октябрда Президент Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон давлат байробига остида БМТ минбарида илк бор нутқ сўзлаган.

Ўзбекистон делегацияси иштирокидаги турли байрам тантаналари, ҳалқaro тадбирлар чорида, йирик спорт мусобақаларида давлатимиз байроби Ватанимиз шарафини ифода этади.

Ҳарбий ҳизматчилар Ўзбекистон Республикасининг давлат байроби олдида тиз чўкиб, Ватанини фидкоронана ва садоқат билан химоя қиласа мөмчил қиласми. Ҳалқаро мусобақаларда голиб бўлган спортичлар миллий байробимизни сарбаланд кўтаради.


Тарихий қадриятларимиз асосида ишлаб чиқилган, ўтмиш, бугунги кун ва келажакни акс этириувчи давлатимиз байробига эҳтиром ҳар бир фуқаронинг муқаддас бури чисобланади. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, миллий рамзларинг ҳар бири миллий гурӯр туйгусини оширишга ҳизмат қилиб, ёшларни тарбия қилининг муҳим воситаси хисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат байроби буюк ўтмишими, шарафли бугуннимиз ва ёрқин келажагимиз тимсолидир.

**Равшан НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Биринчи Президенти
Ислом Каримов номидаги
Илмий-мәтирий
мемориал мажмуманинг
бош илмий ҳодими.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 шодаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иштифоқи фаолиятини қўллаб-куватлаш тўғрисида»ги фармонига мувоғиқ, жорий йилнинг 16-21 октябр кунлари намунали ва иштисослаштирилган давлат умуматим мактабардан саралаб олинган 28 нафар етакчи иштирокида Тошкентдаги Ҳалқаро Вестминстер университетидаги Ҳалқ таълими вазирлиги ташаббуси билан Ўзбекистон ёшлар иштифоқи ҳамкорлигига ўқув-тренинг ташкил этилган эди.

Ёшлар етакчилари учун семинар



Жорий йилнинг 16-17 ноябр кунлари барча ҳудудлардаги умумий ўтга таълим муассасаларида ёшлар етакчилари учун замонавий ўқув-семинарлар ташкил этилди. Пойтахтимиздаги машғулотлар аввалги ўқув-семинарда иштирок этиб, сардорлик ва тренерлик кўнкимасига эга бўлган ёшлар етакчилари томонидан ўтказилди.

— Лойиҳанинг мақсади — етакчиларни инновацион лойиҳалар яратиш учун тренерлик тайёрлаш, лидерлик, нотиклик қобилиятини ошириш, ижодий ва танқидий фикрлашни ривожлантиришга қаратилган маҳорат дарслари ва тренингларни ўтказишдир, — дейдай тадбир иштирокчиси, Сергели туманинадаги 104-мактабнинг ёшлар етакчisi Гулноза Ўтирова. — Каскад усулидаги тренинглар тренерлик ва аудитория билан ишлаш, самарали мулокот ўрнатиш билим ва кўнкималарини ривожлантириш, лойиҳанин тузиш ва бошқариш, лидерлик ва жамоани бошқариш, ўкувчи ёшлар билан ишлаш психологияси, таъкидий тафаккурни ривожлантириш каби мавзууларда ўтказилди. Эгаллаган билим ва кўнкималар фаолиятимизда кўл келади.

**Асолат АҲМАДҚУЛОВА,
«Ma'rifat» мухабири**

2017-yil 18-noyabr, № 92 (9053)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика олий таълим мұассасалари бакалавриатига кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига шарҳ

(Давоми. Боши 4-бетда.)

Ўзбекистон Республикасининг олий таълим мұассасалари бакалавриатига қабул қилиш бўйича ўтказиладиган тест синовларини такомиллаштириш, унинг адолатли, холос ва шаффоф ўтишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика олий таълим мұассасалари бакалавриатига кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори қилиниши юқорида қайд этиб ўтилган муаммоларнинг ўз ечиними топиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиласди.

Ушбу қарорга кўра, 2018/2019 ўкув йилидан бошлаб олий таълим мұассасалари бакалавриатига қабул қилиш бўйича тест синовлари 1 avgustdan 15 avgustgacha бўлган даврда ўтказилиши ва тест синовларини натижалари тест ўтказилган куннинг эртасига Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон

килиниши белгиланди.

Шунингдек, ушбу ҳужжатда абитуриентдан алохид иқтидор талаб этиладиган маданият, санъат, дизайн, тасвирий ва амалий санъат, санъатшунослик, мусикий таълим, спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги таълим йўналишларига қабул қилиш тест синовларисиз, иходий имтиҳонлар орқали амалга оширилиши назарда тутилган.

Карорнинг яна бир мухим жиҳати шундаки, 2017/2018 ўкув йилидан бошлаб олий таълим мұассасалари бакалавриатига ўқишига қабул қилиш бўйича кириш тест синовлари Тошкент шаҳрида "Ўзэксномарказ" Миллий кўргазмалари мажмусаси павильонларида мажмусаси павильонларида ҳамда унинг худудида кўшишимга ийгим павильонлар ўрнатилиб, улардан самарали фойдаланган холда, шунингдек, катта сифидаги бошқа биноларда, вилоят марказларида эса Олимпия захиралари коллежлари ёки жойлардаги бошқа мұассасаларнинг катта сифидаги биноларида, тест жараёнининг ошкора ва шаффоғлигини таъминлаган

холда, видеокузатувлар орқали онлайн тизимда жамоатчиликка, шу жумладан, абитуриентларнинг ота-оналарига кўрсатиб ўтказилиши белгилаб кўйилди.

Тест синовларини хавфсиз ўтказиш ҳамда тест синовларини жараённида учрайдиган салбий ҳолатларнинг олдини олиш, тест синовлари жараёнини онлайн ёртиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Аҳборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги томонидан шахсни идентификациялаш вosisatлари, видеофиксация курilmalari, металлодетекторлар, мониторлар ва инфомашини павильонларнига распубликада амалга оширилаётган "Хафсиз шаҳар" тизими доирасида ҳарид қилиниши ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимига оператив бошқарув ҳуқуқий асосида белуп берилшини таъминлаш вазифаси белгиланди.

Шу билан бир қаторда, қарорда Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таъли-

ми вазирлиги ҳамда Адлия вазирликларида бир ой мудатда тест синовларини ўтказиш жараённи иштирокчиларининг масъулиятини янада ошириш ва уларнинг жавобгарларини белгилаш бўйича қончиликка тегишили ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритиш вазифаси топширилди.

Тест синовлари жараёнла-

рини мунтазам ривожлантириб бориш, тест топширик-ларининг сифатини ошириш, тестология фани бўйича хорижий давлатларнинг таҳрибасини ўрганиш ҳамда уларни амалда таъбиқ этиш мақсадида илғор хорижий ўкув ва илмий мұассасаларда мутахассислар малакасини додими ошириб бориш ҳамда карорда ўз аксии топган.

Карорда белгиланган вазифалари ўз вақтида сифатли бажарини таъминлаш мақсадида Давлат тест марказининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда олий таълим мұассасаларининг оширилган тўлов-контракт

хорижий давлатларнинг ўкув ва илмий мұассасаларнида Давлат тест маркази ходимларининг малакасини ошириш;

Давлат тест маркази ходимларини моддий рагбатлантириш.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қарорда белгилаб берилган мақсад ва вазифалар олий таълим мұассасалари бакалавриатига кириши тест синовлариниң адолатли, холос ва шаффоф ўтишини таъминлаш мақсадида Давлат тест маркази ходимларини маддий ошириб бориш ҳамда карорда ўз аксии топган.

Карорда белгиланган вазифалари ўз вақтида сифатли бажарини таъминлаш мақсадида Давлат тест марказининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда олий таълим мұассасаларига ўқиш учун билимли, иқтидорли ва муносиб номзодларни танлаб олишга замин яратади.

Коррупцияга йўл йўқ!

Тараққиётга юв бўладиган иплатлардан бирни коррупция бўлиб, у ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиҳдий путур етказади, конституциявий асосларни ва қонун устуворлигини заифлаштириб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Пораҳўрликка қарши курашиши тартибга солиши мақсадида 2008 йилдам мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2003 йил 13 октябрдаги "Коррупцияга қарши Конвенцияси"ни ратификация қиласди. Пул берниш эвазига ноқонуниш ишни амалга ошириш ёки содир этилаётган ноқониз ишдан била туриб кўз юмиш, ўз манфаати ўйлида молиявий хатоликлар қилиш, ўзглар мукинни ўзлаштириши, мансабдор шахсларга пора берив, бирон натижага эришиш коррупциянинг яққол кўршишларидандир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги коррупцияга қарши курашиш жараёни қатъий талаблар асосида ташкил этилмоқда. Вазирлик бошқарув аппаратида ҳалқ таълими тизимидаги коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика комиссияси ҳамда барча худудий бошқарув идораларида комиссиялар фаолиятига йўлга кўйилган. Республика комиссияси томонидан ҳалқ таълими тизими ходимларининг одоб-ахлоқ меъёларини тўлиқ ўзлаштириши учун вазирлик тизимидаги ташкилот ва таълим мұассасаларида "шикоят кутиси" жорий этилиб, мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби белгиланди. Шунингдек, тизимда давлат идоралари фаолиятининг очиклигини таъминлаш мақсадида "1006" қиска рақамли "ишонч телефони", "эълонлар таҳтаси" жорий этилди.

Тизимда коррупцияга қарши курашиш кучайтириш учун жисмоний ва юридик шахслардан худди шу мазмундаги мурожаатларни жойига бориб, муаллиф иштироқида ўрганиш, тақорланишига йўл кўймаслик юзасидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Вазирлик томонидан 2 та ҳайъат ва 4 та селектор иғиғиши ўтказилди.

2017 йилнинг ўтган даврида Халқ

таълими вазирлигига жисмоний ва юридик шахслардан 2736 та мурожаат келиб тушган бўлса, шундан 176 таси бевосита коррупция хоталитарига тегишилди.

Вазирлик ва худудий ҳалқ таълими бошқармаларида мурожаатларни ҳисобга олиб бориш китоби юритилмоқда. Умумтаълим мактабларига ўкувчини қабул қилиш тартибini янада такомиллаштириш, ошкоралик тамоилилига амал қилиш мақсадида "электрон қабул қилиш" мактабдустри" ишлаб чиқилмоқда.

Жорий йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ти қонуни, 2 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунинг қоидларини амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинганда 2736 та мурожаат олиб борилмоқда. Ўкувчи орқали ота-онадан пул талаб қилишга умуман йўл кўйилмайди. Мактабга ихтиёрий равишда, ўз ташаббуси билан ҳомийлик килмоқчи бўлган ота-оналар васийлик кенгашига мурожаат келиб, маблағни нақд пул шаклида эмас, кенгаш ҳисоб ракамига тушириб бериш орқали амалга ошириши талаб қилинади. Жорий йилнинг январь ойидаги туман прокуратураси ходимлари иштироқида ўтказилган тадбир педагогларни ҳам, ота-оналарни ҳам коррупцияга

тўлоғнига огоҳликка чорлади. Жорий ўкув йили бошида ўтказилган ишлаб қичариш йигилишида ҳар бир педагог ва 50 нафар синф раҳбарига таъмилирликнинг салбий оқибатлари хусусида кенг тушунча берилди, — дейди Яшнобод туманидаги 244-мактаб деректорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Матлаб Кўлдошева.

Тизимда коррупцияга қарши қатъий курашиш олиб борилаётган бўлсада, болани умумтаълим мұассасасига қабул қилиш, педагог ходимини ишга олиш, молиявий операцияларни амалга ошириш, давлат хужжатларини расмийлаштириш жараёнда коррупциянинг бъязи белгилари кўзга ташланмокда. Ҳусусан, бошқарув органлари ва таълим мұассасаларида ўқувчининг ота-онасидан ноқонуниш тарзда пул маблағлари йигиш, олимпиада ва танловларда юқори ўринни олиш учун курашиш, ўкув кўлланмаси ва бошқа адабий нашрларни мажбурий равишида сотиш, совса-салом, пул эвазига иш ёки ўқишига қабул қилиш, малакасиз

ходимларни аттестациядан ўтказиб, тоифа белгилаш, текширув натижасидан аниқланган камчиликни беркитиш учун пора тақлиф қилиш, молиявий хужжатларни расмийлаштириш жараёнда коррупциянинг бъязи белгилари кўзга ташланмокда. Ҳусусан, бошқарув органлари ва таълим мұассасаларида ўқувчининг ота-онасидан ноқонуниш тарзда пул маблағлари йигиш, олимпиада ва танловларда юқори ўринни олиш учун курашиш, ўкув кўлланмаси ва бошқа адабий нашрларни мажбурий равишида сотиш, совса-салом, пул эвазига иш ёки ўқишига қабул қилиш, малакасиз

ходимларни аттестациядан ўтказиб, тоифа белгилаш, текширув натижасидан аниқланган камчиликни беркитиш учун пора тақлиф қилиш, молиявий хужжатларни расмийлаштириш сингари коррупция ҳодисалари содир этилмоқда. Бу холатлар иштироқида ўзини таъмилирликнинг салбий оқибатлари хусусида коррупциянинг бъязи белгилари кўзга ташланмокда. Ҳусусан, бошқарув органлари ва таълим мұассасаларида ўқувчининг ота-онасидан ноқонуниш тарзда пул маблағлари йигиш, олимпиада ва танловларда юқори ўринни олиш учун курашиш, ўкув кўлланмаси ва бошқа адабий нашрларни мажбурий равишида сотиш, совса-салом, пул эвазига иш ёки ўқишига қабул қилиш, малакасиз

ходимларни аттестациядан ўтказиб, тоифа белгилаш, текширув натижасидан аниқланган камчиликни беркитиш учун пора тақлиф қилиш, молиявий хужжатларни расмийлаштириш сингари коррупция ҳодисалари содир этилмоқда. Бу холатлар иштироқида ўзини таъмилирликнинг салбий оқибатлари хусусида коррупциянинг бъязи белгилари кўзга ташланмокда. Ҳусусан, бошқарув органлари ва таълим мұассасаларида ўқувчининг ота-онасидан ноқонуниш тарзда пул маблағлари йигиш, олимпиада ва танловларда юқори ўринни олиш учун курашиш, ўкув кўлланмаси ва бошқа адабий нашрларни мажбурий равишида сотиш, совса-салом, пул эвазига иш ёки ўқишига қабул қилиш, малакасиз

ходимларни аттестациядан ўтказиб, тоифа белгилаш, текширув натижасидан аниқланган камчиликни беркитиш учун пора тақлиф қилиш, молиявий хужжатларни расмийлаштириш сингари коррупция ҳодисалари содир этилмоқда. Бу холатлар иштироқида ўзини таъмилирликнинг салбий оқибатлари хусусида коррупциянинг бъязи белгилари кўзга ташланмокда. Ҳусусан, бошқарув органлари ва таълим мұассасаларида ўқувчининг ота-онасидан ноқонуниш тарзда пул маблағлари йигиш, олимпиада ва танловларда юқори ўринни олиш учун курашиш, ўкув кўлланмаси ва бошқа адабий нашрларни мажбурий равишида сотиш, совса-салом, пул эвазига иш ёки ўқишига қабул қилиш, малакасиз

ходимларни аттестациядан ўтказиб, тоифа белгилаш, текширув натижасидан аниқланган камчиликни беркитиш учун пора тақлиф қилиш, молиявий хужжатларни расмийлаштириш сингари коррупция ҳодисалари содир этилмоқда. Бу холатлар иштироқида ўзини таъмилирликнинг салбий оқибатлари хусусида коррупциянинг бъязи белгилари кўзга ташланмокда. Ҳусусан, бошқарув органлари ва таълим мұассасаларида ўқувчининг ота-онасидан ноқонуниш тарзда пул маблағлари йигиш, олимпиада ва танловларда юқори ўринни олиш учун курашиш, ўкув кўлланмаси ва бошқа адабий нашрларни мажбурий равишида сотиш, совса-салом, пул эвазига иш ёки ўқишига қабул қилиш, малакасиз

ходимларни аттестациядан ўтказиб, тоифа белгилаш, текширув натижасидан аниқланган камчиликни беркитиш учун пора тақлиф қилиш, молиявий хужжатларни расмийлаштириш сингари коррупция ҳодисалари содир этилмоқда. Бу холатлар иштироқида ўзини таъмилирликнинг салбий оқибатлари хусусида коррупциянинг бъязи белгилари кўзга ташланмокда. Ҳусусан, бошқарув органлари ва таълим мұассасаларида ўқувчининг ота-онасидан ноқонуниш тарзда пул маблағлари йигиш, олимпиада ва танловларда юқори ўринни олиш учун курашиш, ўкув кўлланмаси ва бошқа адабий нашрларни мажбурий равишида сотиш, совса-салом, пул эвазига иш ёки ўқишига қабул қилиш, малакасиз

МУХБИРИМIZ

2017-yil 18-noyabr, № 92 (9053)

Таълим сифати ва самарадорлигини белгилашда ўқувчилар эгаллаган билим, кўнкима ва малака мухим омил ҳисобланади. Бу жihatлар шунунгача бир-бираига боғлиқ уч йўналишда аниқланган. Ўқувчилар билимини синф ва мактаб миқёсида баҳолаш ўқитувчилар томонидан «Ўқувчиларнинг билимлари сифатини назорат қилишининг рейтинг тизими тўғрисидаги низом» асосида амалга оширилди, синф журналида акс эттирилган. Иккинчи йўналишда ҳар бир мактабнинг ва худудий халқ таълими бошқаруви идораларининг рейтинги ўқувчиларнинг билимлар беллашуви, фан олимпиадалари ва турли кўрик-танловлардаги натижалари асосида аниқланган. Учинчи йўналишда тўрт босқичли мониторинг асосида ўқувчиларнинг билим ва кўнкима малакаларининг давлат таълим стандартлари талабларига мослиги текширилган.



Сўнгги йилларда ушбу тизим янада такомиллашди. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлядаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат килиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»-ги қарори қабул килинди; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида»-ги қарорига биноан, Халқ таълими вазирлигининг Таълим стандартларини такомиллаштириш ва илфор педагогик технологияларни жорий этиш бўлуми — Давлат таълим стандартларини такомиллаштириш ва таълим сифати мониторинги бошқармасига айлантирилди. Коракалпостон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларидағи давлат таълим стандартлари мониторинги бўйимлари Халқ таълими вазирлиги номенклатурасига ўтказилиб, Таълим сифати мониторинги бўйимларига туман(шахар)

Таълим сифати мониторинги

Энди янгича шаклда

омилларни кузатиш, аниқлаш, натижаларни қайди этиш имконини беради. Иккинчи (тахлил) босқичда кузатув баҳорлаш натижаларини умумлашириш ва мавжуд ҳолат бўйича таҳлили маълумот тайёрлаш, аниқланган бўшликларни тўлдириш бўйича тасвиялар ишлаб чиқилиди. Учинчи (коррекциялаш, тузатиш) босқичда ҳамкорлик педагогикаси асосида турли метод ва машгутлардан фойдаланган холда аниқланган бўшликлар ҳамда таълим сифатига тасир этган омиллар устидаги ишланади. Мониторингнинг энг муҳим жиҳати, унинг коррекцион (тузатувчи, ривожлантирувчи) хисусиятга агадигиди.

үтказилди. Жараёнга 20 мингдан ортик 8-9-синф ўкувчилари жабл қилинди. Уларға қызықиши бүйічай ўқыв фанлари блокини танлаш имкони берилгани ҳамда фанлар кесимидаги натижалар мониторда түгридан-түғри күриб болырған онлайн-тест жараёнға қызықишины янада күчтірді.

Шунгидек, ўкувчилар билимидаги бўшлиқларни ўша куниёқ худудлар ва мактаблар кесимида анилаш ҳамда уларни тўлдириш бўйича услубий тавсиялар яратиш имкони пайдо бўлди.

Биринчи ярим йиллик ва
ўкув йили якунлари бўйича
мониторинг жараённига бир
хил туман(шахар)лар ва ай-

унинг натижалари асосида ўқув-методик жараённи янада ривохлантириш чораларини кўриш белгиланди. Шунингдек, таълим сифати мониторинги жараёнига 10-синфларни қамраб олиш ҳамда мониторинги ўтказилидиган фанларни блоклаш орқали олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари фан блоклаштирига мувофиқлаштириш кўзла тутилди.

Таҳжиллар онлайн-тестга қизиқиш юкори эканини на-мойн кильмод. Аммо ағасуки, ўтган ўқув йилида айрим худудларда онлайн-тестни ўқазишга пухта тайёргарлик кўрилмади. 42 туман(шахар)даги 126 таълим мұассасасининг рўйхатидан олдиндан белгиланган бўлса-да, 20 та таълим мұассасасида етарли шартшароит яратилмади. Жумладан, Тайлой туманинадаги 4-, 30-, 47-, Зангиота туманинадаги 51-, 74-, Сайхунобод туманинадаги 26-, 34-, Жондор туманинадаги 14-, 36-, Нишон туманинадаги 8-, 14-, Муборак туманинадаги 12-, 13- Мирзачў туманинадаги 12-, Навбахор туманинадаги 15-, Нурут туманинадаги 15-, Ангор туманинадаги 18-, Оккўргон туманинадаги 16-, Ургач туманинадаги 10-, Хива туманинадаги 20-мактабларда мутасаддиларнинг масъулиятсизлиги оқибатида реjalаштирилган онлайн-тест ўқазилими.

Шуннингдек, замонавий мониторинг ёрдамида ўтказилаётган сўровномалар тизимда айрим муаммолар борлигини кўрсатмоқда. Ўкувчилар ўтрасидан сўровнома ўтказилганда 47 фоизи ўғил-киз мус-

равиша фойдаланмаслик, мактаб раҳбариятининг таълим-тарбия жаёнларига эътиборсизлиги (раҳбарлар биринчи ярим йилни мониторинг натижалари билан таниш эмас), фан методибормашаси ва мето-дика кенгашлари фаолиятининг қониқарсизлиги, ўқитувчиларга кўрсатилиаётган методик хизмат ва ма-лака ошириш сифатининг пастилиги ҳам аниқланди: 2310 нафар ўқитувчи ўз фани бўйича тест саволла-рининг ўртача 68 фойизига тўғри жавоб берган. Бу ўтган йилга (63,3 фойиз) нисбатан 4,7 фойизга ўсишни кўрсатади. 454 (19,7 фойиз) нафар ўқитувчи 86 – 100 фойиз натижага кўрсатган.

44,2 фоиз педагог ўз фани бўйича илфор иш тажрибалари ва янгиликларни бўймаслиги, 32 фоизи илфор педагогик технологиялардан, 46 фоизи электрон дарслик, виртуал лабораториялардан, 64,9 фоизи замонавий АКТ-дан, 65 фоизи бўшликларни тўлдириш бўйича фанлар кесимида берилган тавсиялардан фойдаланмаслиги мъттум бўйли.

78 фоиз мактаб раҳбари ўқитувчиларнинг илфор иш таҳрибасини оммалаштиришга эътибор бермаган. 44,7 фоиз мактаб директо-ри ўқув-тарбия жараёнини самарали йўлга кўймаган, 37,6 фоиз раҳбар дарсларни таҳлил килмаган. Аксари мактабларда факат математика, она тили ва инглиз тили дарсларидан кўшимча

машгүлт үтказилган.
Хулоса қилип айтганды,
бүгүн таълим мусассасала-
рида яратилаёттан шарт-
шароитдан оқилюна ва са-
маралди фойдаланиш, бола-
ларни ДТС асосида ўқитиш,
таълим сифатига ўқитувчи
ҳам, мусассаса раҳбари ҳам
жавобгар эканини хис эти-
ши лозим.

Абдурахим НОСИРОВ,
Халқ таълими вазир-
лигининг умумий ўрта
таълим мұассасаларыда
ўқув-методик жараённи
ривожлантириш бош
бошқармаси бошлиғи

Республика таълим маркази ва Мультимедия умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази мутахассислари томонидан тайрёлганган маҳсус электрон дастур асосида **онлайн-тест** шаклида ўтказилди. Ушбу янгилик деқабрь ойида биринчи ярим ийлilik якунлари бўйича Нукус, Термиз, Фарғона ва Тошкент шаҳарларида тажриба-синовдан ўтказилди, яхимни хизматлар таоминлашти.

нан шу мактаблар қамраб олингани таққослаб ўрганишида холислик тўлиқ таъминланишига асос бўлди. Таълим сифати мониторинги муаммоларнинг ечими эмас, балки вазиятни ўнгашга ёрдам берадиган механизmdir. Бу янгилик ўкувчиларнинг билимини адолатли ва холис баҳолаш, мактабларда sogлom ракфобат мухитини склалантинишига хизмат киласди.

Халқ таълимназ визирлигининг 2017 йил 16 сентябрдаги «2017-2018 ўкув йилида таълим сифати мониторинги тизимини янада тақомиллаштириш ва ташкил этиш тўғрисида»ги 299-сонли бўйруғи асосида таълим сифати мониторингини ўказиш механизмига қатор ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, назорат материаллари ва турларини ишлал чиқиша илғор халқаро тажрибалар PISA, TIMSS ва ҳоказо)ни урганган холда миллий мониторинг тизими тақомиллаштириш ва

Методист ва ўқитувчилар ҳамкорлиги

машгулотлар самарадорлигини таъминламоқда



Б. РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими томонидан ўқитувчиларнинг узлусиз маълака оширишини таъминлаш максадида фанлар бўйича тренинг машгулотлари ўтказилди. Унда методист-ўқитувчилар ўз тажрибаларни ҳамкаслари билан ўртоқлашди, янгиликларни слайдлар орқали тақдим килди.

248-мактабда география ва иктисодий билим асослари фанлари бўйича бўлиб ўтган семинарда ушбу фанларни ўқитишда илғор педагогик технологиялардан фойдаланиши усуллари муҳокама қилинди. География ва иктисодий билим асослари фанлари бўйича методист-ўқитувчи Шоира Искандарованинг очиқ дарсини кузатган ўқитувчи ва мутахассислар машгулотнинг маълумотларга бойлиги, кўргазмали воситалар ва АҚТдан унумли фойдаланилганини этироф этдилар.

Тумандаги 49-мактабга жам бўлган физика фани ўқитувчилари таълимга компетенциявий ёндашувни икобий жihatлari xусусida фикрлашди.

— Доимий ташкил этилаётган бундай тренинг машгулотлари педагогларнинг ўз мутахассисларни бўйича билимларни бойитиб, маҳоратини оширишида яхши натижга беряпти, — дейди мактабнинг физика фани ўқитувчиси Мадина Давронова. — Мактабимизда «Компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандарти» ва ўкув дастурлари асосида таълим сифатини ошириши ташкил этиши мавзууда ўтказилган маҳорат дарслари ҳам тумандаги барча фан ўқитувчиларининг тажриба алмашига замин яратди.

Зилола МАДАТОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Бугун ёшларни ёт гоялар таъсири ва зарарли ахборот оқимларидан асрани ҳар қачон гидан муҳим. Бу борада таълим мусассасаларида кўллаб самараали ишлар амалга оширилмоқда. Шундай семинарлардан биро пойтахтимиздаги 208-умумтаълим мактабида ўтказилди. Семинар иштирокчisi — пойтахтимиздаги 71-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Гулистан Қодирқуловга шундай фикр билдирилди:

Таълим самарадорлиги йўлида

Чегара билмас интернет тармоғи улкан ахборот уммонига киёс. Бу уммонга гарф бўлмаслик учун эса фарзандларимизга тўғри ва заарисиз маълумотларни, ахборотни акрати олишини ўргатишимишиз ва яқин кўмакдоши бўлишимиз зарур. Бунинг учун «оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлигини янада кучайтириш, ўғил-қизларимизни миллий урф одат ва аньаналаримиз, бой ўтмишимишизга хурмат руҳида тарбиялаш максадга мувофиқ. Ажодлорни киммийнинг англаган, уларнинг маънавий меросидан баҳраманд бўлиб, дилида эртани кунга ишонч тўйғуси жўш ураётган бола тўғри йўлдан хеч қачон оғизимайди.

Сардор МУСТАФОЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

реклама • эълон • реклама • эълон

Тошкент ислом университети қўйидаги бўш (вакант) ва танлов муддати тугаган кафедра мудири, профессор-ўқитувчи лавозимларига шартнома асосида танлов эълон килади:

“Шарқ тиллари” кафедраси бўйича:

- кафедра мудири;
- катта ўқитувчи-2 та;
- ўқитувчи-1 та.

“Информатика ва ахборот технологиялари” кафедраси бўйича:

- кафедра мудири;
- доцент-1 та;
- катта ўқитувчи-1 та;
- ўқитувчи-стажёр-2 та.

“Халқaro иктисодий муносабатлар” кафедраси бўйича:

- профессор-1 та;
- доцент-1 та;
- катта ўқитувчи-3 та.

“Ислом цивилизациясини ўрганиши ISESCO” кафедраси бўйича:

- кафедра мудири;
- катта ўқитувчи-2 та;
- ўқитувчи-стажёр-2 та.

“Психология ва фалсафий фналар” кафедраси бўйича:

- кафедра мудири;
- катта ўқитувчи-2 та;
- ўқитувчи-стажёр-2 та.

- кафедра мудири;
- ўқитувчи-стажёр-1 та.

“Диншуннослик ва жаҳон динларини киёсий ўрганиши ЮНЕСКО” кафедраси бўйича:

- кафедра мудири;
- доцент-1 та;
- катта ўқитувчи-1 та.

“Исломшуннослик” кафедраси бўйича:

- кафедра мудири;
- катта ўқитувчи-1 та.

“Табиий фанлар” кафедраси бўйича:

- кафедра мудири;
- катта ўқитувчи-2 та.

“Ғарб тиллари” кафедраси бўйича:

- кафедра мудири;
- катта ўқитувчи-3 та;
- ўқитувчи-2 та.

“Миллий гоя, маънавият асослари ва хуқуқ” кафедраси бўйича:

- профессор-1 та;
- доцент-1 та;
- ўқитувчи-2 та.

Танловда катнашиш учун қўйидаги хужжатлар тақдим этилиши лозим:

- ректор номига ариза;
- ходимларни хисобга олиш бўйича шахсий варага ва таржима ҳол;
- олий маълумоти, иммий даража ва унвони ҳақидаги дипломлар;
- маълака оширгани ҳақидаги гувоҳнома нусхалари;
- иммий ишлари рўйхати;
- танловдан ўтәётган шахснинг фаолияти ҳақида хисобот;
- профессор-ўқитувчilar дарсни ўрганиши сифат комиссиясининг хулосалари;
- кафедранинг профессор-ўқитувчи фаолияти, очиқ дарслари таҳлили муҳкамасига бағишиланган мажлиси қарори.

Танлов муддати эълон матбуотда ч иккакундан бошлаб 1 ой.

Мурожат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани,
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-йўл. Телефонлар: (0-371) 244-00-91, 241-18-09.

ЭЪЛОН!

Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорлиқда жорий йилнинг 27-28 ноябрь кунлари “Барқамол авлод” болалар марказлари ва ахборот-ресурс марказларида мавжуд бўш иш ўринлари учун “Мехнат ярмаркаси” ташкил этилмоқда.

Ушбу ярмарка жараёнда “Барқамол авлод” болалар марказлари тўгарак аъзоларининг ижодий ишлари кўргазмалари ва китоб кўргазмалари ташкил этилиши режалаштирилган.

Муносаби иш излаб юрган барча ватандошларимизни мазкур “Мехнат ярмаркаси”га чорлаб қоламиш.

Мурожат учун телефонлар (0-371) 239-11-73, 239-43-58.

Республика “Мехнат ярмаркаси” Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Фуркат кўчаси, 2-йўл бўлиб ўтади.

Мўлжал: Мармарис ресторани.

“Мехнат ярмаркаси”ни ўтказиш жойи режаси

T/р	Худудлар номи	Ўтказиш вақти	Ўтказиш жойи
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	27-28 ноябрь	Қорақалпоғистон Республикаси Ахборот-ресурс марказида
2.	Андижон вилояти	27-28 ноябрь	Андижон вилояти “Барқамол авлод” болалар марказида
3.	Бухоро вилояти	27-28 ноябрь	Бухоро вилояти “Барқамол авлод” болалар марказида
4.	Жizzax вилояти	27-28 ноябрь	Жizzax вилояти Ёшлар марказида
5.	Қашқадарё вилояти	27-28 ноябрь	Қарши шаҳар Санъат коллежида, Шахрисабз Тиббиёт коллежида
6.	Навоий вилояти	27-28 ноябрь	Навоий вилояти “Барқамол авлод” болалар марказида
7.	Наманган вилояти	27-28 ноябрь	Наманган вилояти “Барқамол авлод” болалар марказида
8.	Самарқанд вилояти	27-28 ноябрь	Самарқанд вилояти “Барқамол авлод” болалар марказида
9.	Сирдарё вилояти	27-28 ноябрь	Сирдарё вилояти “Барқамол авлод” болалар марказида
10.	Сурхондарё вилояти	27-28 ноябрь	Сурхондарё вилояти “Барқамол авлод” болалар марказида
11.	Фарғона вилояти	27-28 ноябрь	Фарғона вилояти “Барқамол авлод” болалар марказида
12.	Хоразм вилояти	27-28 ноябрь	Хоразм вилояти “Барқамол авлод” болалар марказида
13.	Тошкент вилояти		
14.	Тошкент шаҳри		
15.	Республика ташкилотлари	28 ноябрь	“Барқамол авлод” Республика ташкилотлари бадиий ижодиёт марказида

2017-yil 18-noyabr, № 92 (9053)

Дарсликларда берилган асарларнинг мазмун-моҳиятини ўқувчилар онгига сингдириши ва муҳаббат уйғотиши йўлида педагоглар томонидан олиб борилаётган тажрибаларни ёритишида давом этамиз. Навбатдаги таҳлилимиз Сайд Аҳмаднинг «Уфқ» трилогиясидан келтирилган парча — «Қочоқ» қағишиланди. Ватан ҳимоясидан қочган номард фарзанднинг кечириб бўлмас хатоси орқасидан кечган аянчли таҳдирини очиб бериш, болалар кўнглида ватанларварлик туйғусини ривожлантириш каби мақсадларга қай тарзда эришаётганлигини сўраб пойтактимизнинг Яккасарой туманидаги 319-мактабда ўқувчиларга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ берадиган Матлуба Киличевага мурожаат қилдик.

— Китобнинг қанчалик беминнат дўст, оқил маслаҳаттўй эканлиги кўп гапирилади. Лекин бугунги шиддатли замонда болаларни китоб ўқишига, ўқиганларини тахлил килишига, ўзлари учун хулоса чиқаришига ўргатиш мушкул экани ҳеч кимга сир эмас. Бироқ фидойи педагоглар учун замон ўзгариши ҳам, техника ривожи ҳам ҳалақит бермаслиги лозим. Ҳар қандай шарорит ва вазиятида биз ўз вазифамизни, яъни келажак авлодларнинг маънавий дунёқараси қай тарзда шаклланганлиги учун масъуллигимизни унутмаслигимиз керак. Тўғри, бу ҳақда жуда кўп ва хўл гаплар гапирилади. Лекин натижаси-чи? Кутилган самараға эриша олямизми? Шу саволларга жавоб бериши жараённида турли вазиятлар, ҳолатларга гувоҳ бўламиз.

«Уфқ» романи ҳақида ўқувчиларга маълумот беришдан олдин Иккичи жаҳон уруши ва ўша машъум йилларда ватандошларимиз бошидан кечирган оғир кунлар, жангларда жон олиб, жон берган асарларнинг ҳаҳрамонликлари хусусида айтиб ўтилади. Айнан ўша йилларни ўзида батағсил акс этирган мазкур трилогия нафақат Сайд Аҳмад ижодида, балки адабиётимизда узкан воқеа бўлган учқисми асар ҳисобланади. Үнда халқимизнинг иккичи жаҳон урушига, уруш даври, урушдан кейинги йиллардаги ҳаёт қаламга олинган. Романнинг биринчи китоби «Кирқ беш кун» деб номланган ва ҳалқимиз ҳаётидаги мухим воқеалардан бири — Катта Фарғона канали курилишига бағишилган.

Иккичи китоб — «Хижрон кунлари»да Иккичи жаҳон уруши даври тасвирланади. Учинчиси «Уфқ бўсағасида» деб номланниб урушдан кейинги тикланиш даврини ўзичига олади.

Асарда ўша йилларда ҳалқ бошига тушган машақатли кунлар, мусибатлар, уларни катта бардош билан енгиб ўтган кишилар адаб томонидан зўр меҳр ва илҳом билан тасвирланади.

Ушбу дарсга ўқувчиларни қизиқтириши мақсадида олдиндан «Ёш драматурглар» тўғараги томонидан тайёрлаб қўйилган саҳна кўринилиши намойиш этилади. Шу масалани ўқувчилар билан келишиб олаётганимизда бир муммом кийнади — қоҷоқ ўйл Турсунбой ролини ижро этишига ўқувчилар кўнмади... «Сен Ватан хоини, қоҷоқ ролини шундай ўйнаб бергники, ҳамма ундан нафрatlansin, ундан бўлмасликка ҳаракат қўлсин» деган узок тушунтиришимиздан сўнг Рустамни аранг бу ролни ўйнашга кўндирилди. Ота образида Жавохир.



ҚОЧОҚ ЎҒИЛ ҚИСМАТИ

Асарни Икромжон тўқайда овқилиб юрган жойидан намойиш этадиган бўлдик.

— Турсун, Турсунбой, болам! — деди жонҳолатда Икромжон. Турсунбой бу гал жойидан кимирилмай туриб қолди. Икромжон бора солиб унинг бўйни осилди. Қўлтиқтаёқ ерга тушди. Бир оёқлаб туриб унинг елқаларини силяр, пешоналаридан ўпарди. Бирдан димогига кўланса хид урилиб Турсунбойни бағридан кўйиб юборди-да, якка оёқлаб туриб қолди. Мувозанатни сақлай олмай орқасига чалчана ағдарилиб тушди. Болали уни турғазид кўймади. Ўзи бир кўлига тирадиб янга ўрнидан турди. Ўғлининг юзига қаради.

